

НУШУҚ

Mart				
0	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24
				31
2002				

6-mart,
chorshanba
11
(222)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ОНАЖОНЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!



САБОҚЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Рашидjon ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,
1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

2002 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Йиғилишда ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунлари чуқур таҳлил этилибгина қолмай, жорий йилда олдимизда турган энг муҳим устувор вазифалар ва йўналишлар ҳам белгилаб берилди.

Мажлисда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда кечаётган ислохотлар давомида янгилаш жараёнларини чуқур таҳлил этар экан, 2001 йил иқтисодий-иқтисодий, бутун жамиятимизда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантиқий давоми бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Республикамиз иқтисодиётида ижобий жараёнлар, шу жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги катта ўзгаришларни ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин. Бу жараёнлар мамлакатимизда амал қилаётган қонунлар қай даражада ишлаётганлигини ҳам акс эттиради.

Албатта, белгиланган янги марраларни эгаллашимизда давлатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини ҳаётга оғишмай таъбиқ этиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органлари қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2001 йилда амалга оширган ишлар таҳлили, бу соҳада ҳам сезиларли ўзгаришларга эришилди, дейиш учун асос беради.

Республика прокуратура идораларининг 2001 йилги иш якунлари ва келгусидаги вазифалари муҳофазасига бағишланган ҳайъат йиғилишида ижобий натижалар қайд этилиши билан бирга, фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилиб, прокурорлик назоратининг асосий йўналишларида йўл қўйилган камчиликларни тугатишга эътибор қаратилди. Шу билан бир қаторда жорий йилда прокуратура органлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қиссача қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг оғишмай бажарилишини назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил қилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 90 мингдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари қўрилганиги мамлакатда қонунийлик барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

«Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги прокуратура органлари фаолиятига ҳам муҳим ислоҳий ўзгаришлар киритилишига олиб келди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органларининг доимий диққат марказида турмоғи шарт бўлган асосий вазифалар ва йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтганини таъкидлаш жоиз. Бу вазифалар ва йўналишлар нимадан иборат?

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида изчил давлат сиёсати юритиб келмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат босқичма-босқич амалга ошириладиган, замон талаби билан мунтазам такомиллаштириб бориладиган жараёнлар.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан бу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди. 2002 йил 24 январда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури тўғрисида»-ги, шунингдек 25 январда қабул қилинган «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари шулар жумласидандир.

Маъмур қарор ва дастурда вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, компаниялар, уюшмалар, агентликлар, жамғармалар ва тегишли ҳокимликлар зиммасига кекса фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, гамхўрлик кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришни таъминлаш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилган.

«Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг 5.15-бандида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратурасига Ички ишлар вазирлиги ва «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда «Ҳар бир маҳаллада оқсоқоллардан иборат махсус гуруҳлар тузиш ва уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйиш» вазифаси юклатилган.

(Давоми 2-бетда.)

● ХАБАР

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунийликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида шаҳар ва туман прокурорлари билан прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш вазифалари мавзусидаги ўқув машғулотлари бошланди.

Биринчи машғулотда Давлат ҳуқуқ тизimini такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий оғини ошириш масалалари бўйича Кенгаш раиси, Тошкент Давлат юридик институти ректори М. Рустамбоевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ўз қиёсида жинорий жазоларнинг либераллаштирилишига доир норматив актларнинг аҳамияти ва прокурор-тергов ходимларининг касбий малакасини ошириш билан боғ-



лиқ масалаларга эътибор қаратди.

Машғулотларда мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқшунослари ва чет эллик мутахассислар иштирок этади. Суратда: тингловчилар ТДИУ ректори, профессор М.Рустамбоевнинг маърузасини тинглашмоқда.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Shavkat Yodgorov

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida tenildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20.500

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Nabatchi muharrir:
H. NISHONOV
Nabatchi: F. MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

(Dovomi. Bo'shlanishi 1-betda.)

Aholini ijtimoiy muhofaza qilishi, ayniqsa, kam ta'minlangan va kўp bolali oilalarga moddiy ёрдам кўрсатиш аҳоли мунтазам равишда ўрганиб борилаётганлигига қарамай, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг ноқонуний сарфланиши, ўзлаштирилиши, талон-тарож қилиниши оқибатида давлат ва фуқаролар манфаатларига зиён етказиш ҳоллари, афсуслик учраб турибди. Жойлардаги баъзи мутасадди ходимларнинг масъулиятсизлиги оқибатида айрим кекса ёшдаги фуқаролар ўз қонуний имтиёзларидан фойдалана олмаётгани ҳақидаги фактлар ҳам мавжуд.

Бу каби салбий ҳолатларга барҳам беришда қонун ҳимоячилари биринчи навбатда алоҳида фаоллик кўрсатишлари зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам давлатимиз олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Маъмур қарорга кўра, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминlangan oilalarga mansub bo'shlangan sinf ўқувчилари билан бир қаторда юқори синф ўқувчиларини ҳам беғул киши кийим-бош ва умумтаълим мактабларининг кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан таъминлаш белгиланди.

Шунингдек, етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар умумтаълим мактабларини битирганида, ишга жойлашганида кийим-бош ва анжонлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдори 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваригача, 2003 йилда 100 бараваригача, пул нафақаси эса 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда 5 бараваригача миқдорда оширилиши кўрсатилган.

Қарор билан ота-онасиз болаларнинг яшаш жойлари ўқув муассасасидан узок масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш қарточкалари билан таъминланиши қайд этилиб, қаровисиз болаларни ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга, қишлоқ жойларда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ахборот билан таъминланишига, пенсиялар миқдорини белгилашда иш стажини чеклашга, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга оид бир қатор имтиёзлар ҳам белгиланди.

Маъмур қарор аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутиб, прокурорларимиз қарорнинг ҳар бир банди мутасадди идоралар томонидан қандай ижро этилаётганлигини мунтазам равишда назорат қилиб боришлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида юртимизнинг бебаҳо табиий ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш яна бир қарра кечиктириб бўлмайдиган ваيفا сифатида кун тартибига қўйилди.

Тегишли рақамнинг кўрсатишича, бир қатор вилоят ва туманларда ерлар талон-тарож қилиниб, ҳўжасизликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, ердан фойдаланувчилар томонидан шартномада белгилан-

ганидан бошқа экинлар экиш, ерни ўзбошимчилик билан эгallaб олиш ва ундан қонунга зид равишда фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Кейинги вақтда ерларни шўрланishiга олиб келувчи омиларнинг олдини олиш юзасидан тадбирлар ижроси таъминланмаётганлиги натижасида экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Утган йиллар давомида шўрланган ерлар 850 минг гектарга кўпайиб, умумий шўрланган майдон 2 миллион гектардан (суғориладиган ерларнинг ярми) ошиб кетган. Шундан 178 минг гектарини кучли, 734 минг гектарини ўртача, 1 миллион 311 минг гектарини кучсиз шўрланган ерлар ташкил этади.

Тузалар тўпланиши ва ерларнинг шўрланиши асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида кучайиб кетган.

Бухоро, Жиззах, Фарғона, Хо-

разм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ ҳўжаллигига мўлжалланган ерларнинг бошқа мақсадлар учун бериб юборилганлиги фактлари мавжудки, бундай ўзбошимчилик ҳолатлари прокурор назоратидан четда қолмаслиги керак.

Ер қонунчилиги ижроси ҳақидаги маълумотлар тахлили ҳокимликлар ва тегишли назорат органлари томонидан бундай қонунбузилишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари етарли даражада қўрилатганидан далолат беради.

Табиатнинг яна бир олий неъматини — сувдан фойдаланишдан юзга келган муаммолар ҳар биримизни чуқурроқ мулоҳаза юритишга, тежамкорлик ҳақида жиддий ўйлашни, сувдан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтиришни тақозо этади.

Минтақамизда сув тақчиллиги сезилаётган бир шароитда чекланган сув ресурсларидан тўғри фойдаланишни таъминлаш ва тақчиллик оқибатларини енгилаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 25 октябрда «2000 йилнинг 4-чорагида ва 2001 йилда сув тақчиллигини енгилаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Лекин афсуслик, қўрилатган чораларга қарамай, сувдан ҳўжасиз-дорча фойдаланиш, суғоришга яроқли сувни коллектор-дренаж тармоқларига оқизиб юбориш ҳоллари қарамай, берилмаган.

Сув ҳақида гап кетганда, аҳоли истеъмол қиладиган тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳам бир талай муаммолар тўпланиб қолганлигини айтиб ўтиш керак. Агар бу муаммолар ечимига бугунданок эътибор қаратмасак, юртбошимиз таъкидлаганидек, ичимлик суви яқин йиллар ичида энг кескин муаммолардан бирига айланиб қолиши мумкин.

Унутмаслигимиз керакики, сувдан фойдаланиш тартиби белгилаб берилган қонунлар ижроси масалалар ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ

аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ аҳолини ичимлик суви ва уй-жой фондини суви ҳисобга олиш мосламалари билан жиҳозлаш дастурлари қабул қилинган.

Бироқ маълумотларга қараганда, 2002 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича кўп хонадонли уй-жойларда суви ҳисобга олиш приборларига бўлган эҳтиёж 21,3 фоизга, шунингдек, жойлардаги 2,6 миллион хонадонга суви ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш атиги 2,8 фоизга бажарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида табиий ресурсларга

зилиши ва унинг таркибига прокуратура вакилларининг киритилиши вазифалар нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради.

Бу тармоқда тежамкорлик масаласида жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Чунинчи, катта ҳажмда электр энергиясини истеъмол қиладиган кимё, тўқимачилик, машинасозлик саноатининг йирик корхоналари, қурилиш саноати ва бошқа завод-фабрикаларда энергия қуввати меъёрдан ортқича сарфланмоқда. Маиший соҳада, шахар ҳўжалигида электр қувватидан оқилона фойдаланишга етарли даражада аҳамият берилмапти.

Мавжуд маълумотларга кўра, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2001 йилда истеъмолчиларга жами 230,1 миллиард сўмлик электр энергияси етказиб берилган, лекин истеъмолчилардан жами 191,5 миллиард сўм ёки 81,3 фоиз маблағлар тўланган.

Электр тармоқлари корхоналари томонидан электр ўлчагичлари

САБОҚЛАР ВА УСТУВОР

бўлган эгалик ҳўқуқини бузган фуқаро ва мансабдор шахсларга солинган жарималарни ундириш талабга жавоб бермайди.

Ичимлик сувидан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган қонун талабларининг ҳар қандай тарзда жиддий бузилиши фактларининг бирортаси ҳам прокуратура органлари эътиборидан четда қолмаслиги, бу ишга бўлган ҳар қандай лоқайд муносабатга қонуний баҳо берилмоғи лозим.

Утган йилларда энергетика ресурсларидан, шу жумладан, табиий газдан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижроси юзасидан прокурор назоратини амалга оширишда муайян ишлар қилинди. Бироқ қўрилатган чора-тадбирлар ҳали етарли эамаслигини рўй-рост айтиш керак.

Табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари кўплаб учраётганига асло бефарқ қараб бўлмайди. Текширишларда республика бўйича 12 мингдан ортқ тегишчилар қонунга хилоф равишда газ билан таъминланаётгани аниқланган. Бундан ташқари уй-жой фондини газ ўлчагичлари билан таъминлаш ҳамон ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда.

Жойлардаги «Газтаъминот» идоралари ва «Ўздавнефтегазинспекция» ҳудудий бўлимлари раҳбар ва назоратчилари томонидан газдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш чорасини кўрмаслик, бунда кўпича турли суиистеъмолчилик ва тасмағирликка йўл қўйилиши ҳоллари учрамоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий иқтисодий таянчларидан бири бўлган электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам долзарб масалага айланмоқда. Бугунги кунда бу тармоқда вужудга келган қонунбузилиш ҳолатларини, камчилик ва муаммоларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш энг долзарб масалалар даражасига кўтарилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорига кўра энергия ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш масалалари бўйича махсус комиссия ту-

ўрнатилмаган корхона ва ташкилотлар билан қонунга хилоф равишда шартномалар тузилмоқда. Тармоқ корхоналарининг мансабдор шахслари назоратни етарли даражада йўлга қўймаганиликлари натижасида янги қурилатган корхона, ташкилот ва шахсий уйларида қонунсиз равишда электр қувватидан фойдаланишга йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатлар деярли барча ҳудудларда мавжуд.

Президентимиз нутқида таъкидлаганидек, «Бунинг сабаби шундаки, ҳали-бери бундай нуқсонларга йўл қўйган биронта раҳбар ўз чўнтагидан бирор сўм ҳам ҳарима тўлагани йўқ. Ҳаммаси ўз жўлига ташлаб қўйилган. Исрофгарчилик учун жазо берилмас экан, раҳбар ҳам, оддий ходимлар ҳам бу масалада бепарво бўлаверадим».

Биз тежамкорлик масаласида билдирилган ҳаққоний танқиддан тўғри хулосалар чиқармоғимиз, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан тадбирлар ўтказиб, қонунбузарликларга барҳам бериш юзасидан қатъий билан иш олиб боришимиз зарур.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўтарилган яна бир масалага тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Бу — берилган кредитлардан фойдаланишда, уларни ўз вақтида қайтаришда йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш масаласидир. Бунинг сабабларидан бири кредитлардан асоссиз кечиб юбориш ёки тўловларни ўз вақтида қайтармаслик ҳолатларига чек қўйишда мавжуд қонунлар кучидан етарли даражада фойдаланилмасликка бориб тақалади.

Ана шундай ҳолатлар назарда тутилиб, прокуратура органлари томонидан қарзларни ўз вақтида қайтармаган раҳбарларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўрилиши лозим бўлади.

Республикамызда деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг узвий қисми сифатида қишлоқда. Бу соҳада қабул қилинаётган ҳўкумат қарорлари ижросини таъминлашда «Ўзимёсаноат» ва «Ўзқишлоқ-ў

жаликкимё» давлат акциядорлик компанияларига алоҳида масъулия юклатилган.

Маълумки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар етказилиши масаласидаги асосий вазифалар ҳисобланади.

Бироқ «Ўзкимёсаноят» ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» тизимидаги корхоналарда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, уларнинг сақланиши, тақсимланиши ва қишлоқ хўжалик корхоналарига етказилиши масаласида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар тўпланиб қолган.

Статистик маълумотлар таҳлили «Ўзкимёсаноят» давлат акциядорлик компанияси тизимида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайиб кетаяётганини, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» тизимида эса олинган минерал ўғитлар учун пул маблағ-

вом этаётган ислохотлар тақдири қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Республикаимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг тугган ўрни тобора кенгайиб бормоқда. Бу тармоқни муттасил ривожлантириб бориш учун зарур ҳуқуқий асослар эгамиз. Қонун ҳимоясида фаолият кўрсатаётган хусусий секторга бўлган муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарди.

Бироқ хусусий секторни ривожлантириш суръатларини бозор иқтисодиёти талаблари даражасига кўтаришга халал бераётган муайян тўсиқлар мавжуд. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда, уларга ер ажратишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан турли кўришнидаги қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда, шунингдек, улар кредитлар, моддий-техникавий ресурслардан фойдаланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотишда қонунга зид чеклашларга дуч келмоқдалар.

Тадбиркорларнинг, деҳқон ва

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик еттинчи сессиясида мамлакатимиз ҳаёти ва ривожланиш истиқболларига боғлиқ қонунлар билан бир қаторда бир қанча қонун лойиҳалари қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Чикиндилар тўғрисида»ги, «Кредит уюмлари тўғрисида»ги қонунлар ва «Шаҳарсозлик кодекси» лойиҳалари шулар жумласидандир. Мазкур қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этилганидан буюн ўтган давр мобайнида фуқаролар, турли соҳа мутахассислари, жумладан, прокуратура органлари ҳуқуқшунослари томонидан ҳам фикр, мулоҳаза ва таклифлар билдирилмоқда. Биз кўйида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида жамланиб, Олий Мажлисининг тегишли кўмиталарига юбориш мўлжалланаётган Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг банклардаги омонатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари юзасидан билдирилган айрим таклиф ва мулоҳазаларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

**Б. ҲАЛИМОВ,
«Ўзгросугурта» Давлат акционерлик сугурта компанияси бошқаруви раисининг 1-ўринбосари:**

— Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиб бораётганиги ва бу борада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар сугурта тизимини ҳам тубдан ўзгартириш, уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда. Сугурта тизимини ҳар томонлама ривожлантириш учун энг аввало унинг қонуний асосларини яратиш зарур.

Бугунги кунда мамлакат сугурта бозорига давлатга қарашли сугурта компаниялари билан бир қаторда ўнлаб нодавлат сугурта компаниялари ҳам фаолият кўрсатяпти. Шубҳасиз, бу ҳолат сугурталовчилар ўртасида миқдорларни жалб этиш учун рақобатнинг кучайишига олиб келади. Бундан ташқари, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида юз минглаб акциядорлик ва хусусий корхоналар вужудга келди. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда учрайдиган турли тасодифлар ҳамда таваккалчиликлар қутилаётган даромадларни йўқотиб қўйиш, оила бюджетини оғир молиявий вазиятга қолдириш хавфини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида сугурта хизматларига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда.

Шулардан кўриниб турибдики, сугурта фаолияти билан шугулланувчи ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, сугурталанувчиларнинг манфаатларини тўлароқ ҳимоялаш мақсадида «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиш зарурати тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақирик 7-сессиясида биринчи ўқишда мазкур Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сугурта соҳасини жаҳон андозалари талабларига олиб чиқиш мақсадида ушбу қонуннинг қабул қилинишини айни давр тақозоси деб билмоқ лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Мустақил бўлганлигига 10 йил тўлди. Мана шу давр ичида сугурта бозорига кўпгина ўзгаришлар бўлди, мамлакатда сугурта компанияларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун эркин рақобат шaroити яратилди.

Президент Ислам Каримов Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида сўзлаган нутқида, кўрилган бошқа масалалар қаторида «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан ҳам ўз фикрларини билдириб, сугурта бозорини ривожлантириш, йирик ва молиявий бақувват бўлган сугурта ташкилотларини шакллантириш, бу борада ҳукумат барча шарт-шaroитларни яратиб бериши ва қўллаб-қувватлаши тўғрисида тўхталиб ўтдилар. Бу вазифалар амалда фаолият кўрсатаётган сугурта компанияларга катта масъулият юклайди, улардан хўжалиқларга, корхона ва ташкилотларга ҳамда фуқароларга қўрсатилаётган сугурта хизмати сифатини тубдан яхшилашни талаб этади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Сугурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони сугурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республикада сугурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, сугурта ташкилотларининг моддий техника базасини мустақамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бораида катта аҳамиятга эга.

Ушбу Фармонга асосан барча сугурта ташкилотлари моддий-техника базаларини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шахобчаларини ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътиборини кучайтиришлари лозим бўлади.

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бизнинг компаниямиз тизимида ҳам ўрганиб чиқилди. Қонуннинг қабул қилиниши сугурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш бораида катта аҳамиятга эга. Ушбу қонун сугурталовчи ва сугурталанувчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Қонун лойиҳасининг энг асосий талабларидан бири — сугурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида сугурта бозорига хизмат кўрсатаётган ташкилотларнинг фаолиятини ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштиришдир. Лойиҳада сугурта ташкилотларини лицензиялаш шартлари, уларни бекор қилиш, сугурта ташкилотлари фаолиятини тўхтатиш ва қайта ташкил этиш асослари аниқ кўрсатилган.

«Ўзгросугурта» компанияси бошқаруви Қонун лойиҳасининг муҳокамасида фаол қатнашиб, бир қатор фикр-мулоҳазаларини билдириди. Улар ҳозирги вақтда Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитасида муҳокама этилмоқда.

Ишонаманки, ушбу Қонун мамлакатда сугурта бозорини изчил ривожлантириш учун асос бўлади.

ВАЗИФАЛАР

ларини ўз вақтида тўламаслик оdatий тусга кирганлигини кўрсатмоқда. Бу каби ҳолатлар республика қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг бажарилишига салбий таъсир этмоқда.

Кейинги текширишлар шундан dalolat берадики, 2002 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалигига зарур бўлган минерал ўғитларни етказиб беришда ҳамон узлишлар содир бўлмоқда.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси мансабдор шахслари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари ўз вақтида кўрилмапти. Бунинг натижасида компаниянинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб бормоқда.

Ўтган йили «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси кўйи тизимлари билан фермер хўжалиқлари ўртасида тузилган минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар ижроси ўрганилганда бу соҳада ҳам масъулиятсизлик ва бепарволикка йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, 2001 йилда республика буйича 30485 та фермер хўжалиги билан 98,9 минг тонна азот, 25,7 минг тонна фосфор ва 3,5 минг тонна калий етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган. Бироқ шартномаларда кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмасдан, фермер хўжалиқларига 13,1 минг тонна азот, 13,3 минг тонна фосфор, 3,29 минг тонна калий кам етказиб берилган.

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар билан таъминлаш соҳасида йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш чекитириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб берилаётган минерал ўғитларни тақсимлаш, ҳисоб-китоб қилишда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиниши астойдил назоратни кучайтириш прокуратура органларининг муҳим вазифалари қаторига киради.

Зеро, қишлоқ хўжалигида да-

фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш — ҳар бир прокуратура ходимининг кундалик вазифаси бўлмоғи керак.

Юқорида қайд этилган устувор вазифалар ва йўналишлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бекиёс аҳамият касб этишини чуқур англаган ҳолда, ҳар бир фуқаро бу жараёндаги ўрнини аниқ равшан тўшуниб олиши муҳим аҳамиятга эга.

Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилганидек, эндиликда прокуратура назорат қилувчи ёки текширувчи эмас, балки энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ўзини намоён этиши зарур.

Ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларнинг бекаму кўст бажарилиши кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг фаолиятига боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримов Сурхондарё вилоят кенгашининг шу йил 21 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Президентимизнинг «...бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кўтиб турган халқни ҳам ёндари олиши зарур», деган чуқур маъноли гаплари прокуратура тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар ходимга ҳам баб-бараваер тааллуқлидир.

Мамлакатимиз қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросининг таъминланиши бугунги демократик ўзгаришларда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олсак, прокуратура тизимидаги раҳбар кадрлар таркибининг бундай масъулиятли ишда нечоғли катта ўрин тутуши ўз-ўзидан тушунарлидир. Гап қонун устуворлигини таъминлаш ҳақида борар экан, бир ҳақиқатни англаб олмоғимиз керак: қонунлар халққа хизмат қилади, шу жумладан, прокурорлар ҳам. Бизнинг меҳнатимизга эса одил баҳони халқ беради. Бунга ҳар доим, ҳар жойда ёдда тутмоғимиз лозим.

**С. ИНАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурининг ўринбосари:**

— «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан таклифим шуки, 12-модда «Фонд билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида ахборот алмаштириш» сўзидан кейин: «Фонд йилига бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдида ҳисобот беради», дейилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**М. НАИМОВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси:**

— Қонун лойиҳасига «сугурта идоралари учун малакали кадрлар, мутахассислар тайёрлаш масаласи Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилди» деган фикр қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. 9-моддасида «сугурта соҳалари ва турлари» белгиланган, мажбурий сугурта тўғрисида тартиблар эса тўлиқ ўз аксини топмаган. Қонуннинг сугурталовчининг лицензияси амал қилиш муддатини тўхтатиб турилишининг ўзига ҳоқ хусусиятларни белгиланган 14-моддасида эса лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатиб қўйишига олиб келувчи сабаблар, ҳолатлар аниқ кўрсатилмаган.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси буйича:

8-моддага. Лицензия бекор қилиниши муносабати билан фуқароларнинг банклардаги омонатлари буйича белгилаб қўйилган ҳақ миқдорлари 1 млн. сўмдан ортик омонатларни тўлиқ қоплаш имкониятини чеклаб қўяди.

10-моддага. Банклар томонидан календарь бадалларининг суммаси омонатлар қолдиқлари суммасининг 5 фоизига етганча тўлаб борилиши пул маблағларининг мақсадаги мувофиқ сарфланишига, бу эса ўз навбатида банкларнинг даромад келтирувчи актив операциялари самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Календарь бадаллари суммаси банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар қийматидаги киритилмаган харажатларга ёзиб қўйилиши банк хизматларининг қимматлашуви келтириб чиқаради ва уни камайитириш чоралари фоиз харажатларини камайитириб, ўз навбатида банкнинг депозит сисъатига салбий таъсир ўтказиши ва жалб қилинаётган ресурслар ҳажмининг пасайишига олиб келади.

Лойиҳанин 15-моддаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади» дейилиши лозим.

Шу билан бирга қонунга «ушбу маълумотлар фақат қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг раҳбарлари томонидан имзоланган сўровларга қўра берилиши мумкин» деган модда киритилиши лозим.

ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

Дехқонлари бой юртининг дастурхони тўкин бўлади. Юртбошимизнинг Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқидан мен ана шундай хулоса чиқардим.

Дарҳақиқат, жамоа ҳўжаликлари ширкат ҳўжаликларига айлантирилди, лекин номи ўзгаргани билан ер деҳқонга «беғоналигича» қолди. Деҳқонда мулкдорлик ҳисси уйғунмапти. Шу билан бирга, деҳқон-фермер ҳўжаликлари ижарага олган ерларда ўзларини чинакам ҳўжайин биллиб, шунга яраша жонларини жабборга бериб ишлашарти. Бир хил шарт-шароитларда ширкат ҳўжаликларига нисбатан кўпроқ ҳўсил, кўпроқ даромад олишарти. Бунининг мисолида ҳам айтишим мумкин.

1999 йили Қува тумани ҳокимлигига берган аризам қаноатлантирилиб «Туналисо» деҳқон ҳўжалигини ташкил этиб, ишлаб бошладим. Ўзим олти йилдан ўтдим. Суягим деҳқончиликда қотан. Уғилларим, қизларим билан, ишга баравар ёпишдик. «Галлабанк»нинг Қува бўлими кредит ажратди. Мен Низомага кўра пахта ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мақсадида Охунбобоев номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви расисиза 3 гектар ер ажратишини сўраб ариза бердим. Бирок, расис «кредитга олан чорва молларинингизни томорқангизда етиштирган озуқа билан боқаверасиз, сизга ер бериш мумкин эмас», деди. Тўнғич ўғлим бир гектар ер олиб, пахта эккан эди. Бутун оиламиз билан шу ерда ишлаб, режайдаги 3500 килограмм ўрнига 4100 килограмм пахта етиштирдик. Аммо бу етиштирилган пахта учун бизга ажратиб берилиши лозим бўлган 20 килограмм пахта ёғи, 700 килограмм кунжара, 600 килограмм шелухани ололмадик. 2002 йилда ҳам ширкат ҳўжалиги бошқаруви расис С.Собиров 3 гектар ер ва юқоридаги маҳсулотларини сўраб берган аризамни қатъий рад этди. Мен шартнома бўйича ер участкамда узун, ошқовоқ ва сабзавот етиштириб, 84-мактаб-интернатга арзон нархда етказиб беряман. Агар 3 гектар ер олсам, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан кўпроқ маҳсулот етиштириб бераман-ку!

Расимиз бунини тушунишни истамаганидан кейин туман прокурори А.Сангинова ариза билан мурожаат қилдим. Туман прокуратураси ходимлари аризамни текшириб, бузилган ҳўқуқларимни тиклаб берилди. Икки йилдан бери ололмаётган пахта ёғи, кунжара ва шелухани ниҳоят ширкат ҳўжалигидан ундириб олдик. Шу билан бирга менга 3 гектар ер ҳам ажратилди. Ер билан бирга зиммамга масбулятли вазифани олаётганимни яхши билмаган. Яна шунини яхши билмаганим, шу ердан қанча кўп маҳсулот олсам, элимга, юртимга шунчалик кўпроқ нафим тегади. Хонадоним шунчалик бадавлат бўлади.

Илхомжон НЕЪМАТОВ,
Фаргона вилояти Қува тумани,
Охунбобоев номи ширкат
ҳўжалиги



Гулнора ҲАМРОЕВА, Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Иш фаолиятини 1980 йилда вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлимида бошлаган. Оилали, икки нафар фарзанднинг онаси. Бўш вақтларида бадий ижод билан шуғулланади.

Аёл — Тўзатдилик Мамлакат



— Гулнора опа, сизни ва барча опа-сингилларимизни кутлуг айём — халқро хотин-қизлар кўни билан чин дилдан кутлаймиз.

— Раҳмат.

— Гулнора опа, прокуратура тизимида иш бошлаганингизга ҳам 20 йилдан ошибди. Шу вақт орасида нималарга эришдингиз?

— Бу — кўз очиб-юмгунчалик вақт. Аммо, бир йилгит умри. Лекин ўтган умримдан мамнунман. Бойси, озгина бўлса-да, халқимга нафим теги, деб ўйлайман. Иш даврининг тенг ярами собик Иттифок даврига тўғри келди. Шўқрки, мустақиллик даврида ишлаш бахти насиб қилди. Мен бундан бахтиёрман.

— Аёллар ҳақида сўз кетса кўпчилик уларнинг болалар тарбияси билан машғул бўлиб, уйда ўтиргани маъқул, дейишади.

— Оила — муқаддас. Ҳар бир инсон фарзанд ўстирсам, яхши тарбиялаб элга қўйсам, дейди. Ана шу бахтни ҳамма оналарга насиб қилишини тилайман. Яратганга минг шўқрлар бўлсин, бир ўғил, бир қўзим бор.

Ҳаёт курашмоқ, дегани экан. Мен ҳам болагимдан прокурор бўлишни орзу қилардим. Бу йўлда қийинчиликлар, муаммолар бўлди. Орзум йўлида курашдим, ҳаракат қилдим. Ниҳоят, мақсадимга эришдим. Кўпчилик «Аёллар учун прокуратурада ишлаш оғир бўлса керак?» деб сўрайди. Уларнинг бундай

деб сўрашларига прокуратура ходимларининг тўғри кўнга улаб ишлашлари сабаб бўлса керак. Аммо касбни севсанг, муаммолар арзимас нарсига айланар экан.

— Сиз бахтни қандай тасаввур қиласиз?

— Бахтни ҳар ким ўзича тасаввур қилади. Кимдир, бой-бадавлат бўлишни бахт, деб тушуна, яна биров, бахтни мансабда, деб билади. Мен учун энг улуг бахт болаларим бағрида соғ-омон юриб, сеvimли касбимда ишлаб, элнинг назаридан қолмаслик.

— Гулнора опа, газеталарда шеърларингизга тез-тез қўзимиз тушиб қолади.

— Мен ҳам ижод қилиб тураман. Шўнинг учун ижодкорларга ҳурматим баланд. Улар ҳар бир сўзини қалбдан ўтказиб, қозғога туширади. Бўнинг «ширин» азобларини қўлига қалам олган одамгина тушунади. Бир неча йиллардан бўён қўнунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўйича вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаяпман. Бу вазифа кўпроқ ижод аҳли билан ҳамкорликда ишлашни талаб қилади. Менга журналистларнинг яхши бир одати ёқади. Озгина қалам тебратётганингиз кўриб қолса, «ёзинг, биз ёрдам берамиз», дейишади. Хўллас, одамни маънавий руҳлантиради. Яқинда вилоят прокуратурасининг «Хўқуқ ва бурч» газетасида «Қасоскор руҳ» деган қиссам чоп этила бошланди. Тўғриси, биз прокурорлар катта асарларга мавзу бўладиган воқеалар ичида юрамиз, қўпгина ҳолларда катта воқеаларни ўз қўзимиз билан кўрамиз. Албатта ана шулар ҳақида ёзиб, халққа етказиш керак, деб ўйлайман. Ҳаётдан олиб ёзилган асарлар халқнинг қалбига тез етиб боради.

— Сизнинг назарингизда бугунги прокурор аёл қандай бўлиши керак?

— Адолат ҳақида гапираётган инсоннинг ўзи энг аввало адолатли бўлиши керак. Ўзи адолатсизлик қилиб юрган инсон халқнинг олдида адолат ҳақида гапирса, виждонсизлик қилган бўлади. Аёл прокурорнинг ўзи ҳам, қалби ҳам, сўзи ҳам пок ва гўзал бўлиши лозим. Аёл прокурор ҳар қандай шароитда она эканлигини унутмаслиги керак.

Қўпича, судда айбловни қувватлашга тўғри келади. Баъзилар ўз қилишини тан олади. Бирок ҳаётда айрим воқеаларга дўч келганда, етти ўлчаб бир кесишга тўғри келади. Масалан, бир хайдовчи йўлда тасодиф тўғриси бирон фуқарони уриб кетади. Бундай воқеаларга қўлпаб гўвоҳ бўлганимиз. Фуқаро ҳаётдан кўз юмди, дейлик. Жиноятни тарозига солсангиз, ҳеч бир хайдовчи йўлга бировни босиб ўлдирмай, деб чиқмайди. Унинг ҳам оиласи, болачақаси бор. Масаланинг иккинчи томони эса, бир инсоннинг фожеали ўлимига боғлиқ. Ана шундай дамба прокурор икки томоннинг дардини ўз юрагидан ўтказиб, ҳақ сўзини айта билиши керак.

— Сизга ва барча аёл прокурорларимизга ҳам ҳар доим ҳақ сўзини айтиш насиб этсин.

— Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигига кўз тегмасин. Барча она-жонларимизга, опа-сингилларимизга оиласининг бахтли аёли бўлиш насиб қилсин.

Сўхбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

БЕТАКРОР МЎЪЖИЗА

Ҳар гал аёллар ҳақида ўйлаганимда, Юртбошимизнинг аёл инсонни инсон, оилани оила қиладиган, ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган мўътабар зотдир, деган сўзлари ёдимга келади. Ҳақиқатан ҳам аёл табиатнинг бетакрор мўъжисаси, абадий нишонасидир.

Юртимизда аёллар соғлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, давлатимиз раҳбарининг деярли ҳар бир маърузасида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқени янада ошириш ҳақида қўйниб гапириши ҳам беҳиз эмас.

Бугун қайси жаҳани кўрманг, хотин-қизлар самарали меҳнат қилаётганининг гўвоҳи бўласиз. Аёл — мураббий, аёл — ҳуқуқшунос, аёл — иқтисодчи, аёл — сиёсатчи, аёл — тadbirkor...

Умуман, аёлларимиз эркин ва демократик давлат барпо қилиш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада кўтаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Касбдошларим номидан Ўзбекистондаги муҳтарам онахонларни, азиз опа-сингилларни 8 март байрами билан чин қалбдан табриқлайман. Гўзаллик ва нафосат байрами аёлларимизга бахт ва фаровонлик ато қилсин.

Тамара ТИЛЛАЕВА,
Мирзо Улугбек туман судининг
хиноят ишлари бўйича расиси

Дунёда неча хил касб маъжуд бўлса, ҳаммасининг ўзига яраша қийинчиликлари бор, жумладан, прокурорликнинг ҳам. Шу маънода Республика Бош прокуратурасида сабот билан меҳнат қилаётган прокурор аёллар ҳар қанча эъзозга лойиқ-дир. Бўлим прокурорлари О. Отажоннова, Р. Муҳаммеджоннова, девонхона бошлиғи М. Носирова ҳамда ўқув маркази ходими М. Аминжоновалар ана шундай аёллар сирасига қиради.

А. ТўРАЕВ олган сурат



СОФИНИБ КЕТАПМАН СИЗНИ БАРИБИР

Азиз аяхоним! Биламан, бу мактубларни ҳеч қачон Сизга юбормайман. Улар қанчалик хоҳласам ҳам барибир Сизга етиб бормайди. Бунини орзу қилишининг ўзи ақлсизлик. Аммо мен ёзавераман. Чунки, мана, орадан неча йиллар ўтган бўлса ҳам Сизнинг бу дунёда йўқлигингизга, энди сира бўлмаслигингизга кўника олмайман. Нега йўқ бўлишингиз керак? Наҳот? Наҳот энди қувонсам қувончимни, қийналган чоғимда гамларимни, бетоб бўлсам дардимни бўлишадиган кишим йўқ? Одамлар шундай пайтларда кимгадир мактуб ёзадилар-ку. Менинг ягона қувончим, дардқашим Сиз эдингиз. Манзилингиз бу ердан жуда олис, лекин мактубларим албатта бир кўни етиб бориши мумкин, деган фикр ҳаёлимга ўрнашиб қолган. Шундай пайтларда қўлимга қалам тутаману, мактуб ёзишга тушаман.

ЯККА ДИЛДОРИМ ОНАМ

Оламни гулларга тўлдириб яна баҳор келди. Яна бутун мавжудот яшаш, яшариш заъки билан масрур. Ариқ бўйларидан, далалардан қайот излаган болалар кезиб қолди. Хонадонларда, маҳаллаларда қайвони оналар бошчилигида сумалак базмлари бошланди. Ҳаммаси кайтадан бошланди. Ҳар йилгидек... Мен ҳам уйга, Сизнинг ҳузурингизга ошиқаман. Мана кўчамиз, мана дарвозамиз, мана Сизнинг хонангиз, Сизнинг ўрнингиз...

Аммо... Бирдан бўшашиб, ҳафсалам пўр бўлади. Сиз... йўқсиз... Хоналар бўм-бўш. Энди бу ҳовлилар, бу уйларда ким мени кўтиб олади? Ўзим ҳам бу ерга кимни излаб келдим?

Юрагим тўлиб абадий маконингиз — қабристон томон йўл оламан. Мендан олдин етиб келган баҳор қабрингиз устига майсаларни сочиб юборганини кўрдиму тўлиб-тўлиб йўлладим. Баҳор мендан кўра илдамроқ экан, мендан кўра қадрдонроқ экан. Мен фарзанд бўлиб нима қилдим? Сизни соғиниб келдим, бошимни иссиқ бағрингизга эмас, қабрининг совуқ тўпругига қўйдим. Тўлиб кетган дардларимни Сиз эмас, тўпруг тинглади. Дийдорингизга интизор қўзларим офтобдек иссиқ чехрангиз нурларига эмас, бешафқат посбонингиз қабр деворига тўқнаш келди-ю, эзилиб кетган юрагимдан барча аламларим, дардларим шеър бўлиб оқиб чиқа бошлади:

Ҳовли-ю уйларга энди кимни излаб талпинай?
Сиз ўзингиз бунда йўқсиз чин харидорим онам.
Соғиниб борсам мазорга дийдорингиз кўргани
Сизни мендан, ох, яширди қабр девори, онам.
Барча дунё бир тарафу, Сиз ўзингиз бир тараф,
Тенгингиз топмай ҳалакман, якка дилдорим, ОНАМ.

СОФИНИБ КЕТДИМ

Аяхон! Бугун Сизнинг туғилган кўнингиз. Эсимда, баҳорининг илк

ОЛАМ МУНАВВАР!



Қайдаки аҳиллик бўлса, уша жойда муваффақият бўлади. Мирзо Улуғбек тумани прокуратурасида ана шундай ибрат олса арзиғулик ишлар кўп. Жамоанинг туманда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишларида аёлларнинг ҳам ўз ўрни бор. Суратда: Мирзо Улуғбек тумани прокурорининг ёрдамчилари Л. Халилова ҳамда Г. Рўзиёва.

● ҲАЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Икки йил муқаддам «Қонун ҳимоясида» журналида «Қадимги Хоразм давлатида ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳуқуқ» номли илмий мақолани ўқирганман, муаллифнинг илмий салоҳиятига тан бердим. Ундаги теран мушоҳадалар, профессионал таҳлил ўқувчида уни етук тарихчи олим ёзган, деган таассурот қолдирарди. Ваҳоланки, мақола муаллифи прокурор аёл эди. Прокуратура тизимида салкам йигирма йилдан буён самарали хизмат қилиб келаётган Замира Маткаримова ўзининг меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, билимдонлиги ва жозибаси билан ҳамкасблари ичида ҳурмат қозонган.

килади. Замира опа зукколик ва нотиклик билан ўз фикрларини илгари суради. Ундаги бу хислатни эътироф этганим, у киши «бу оддий талаб бўлиши керак» дедилар, кези келганда, опадан илмий фаолияти ҳақида сурадим.

— Очиғи, бир жойда қотиб қолишни истайман. Тўғри, тинчгина ўз ишим билан шугулланиб юраверсам ҳам бўларди. Лекин мен кўпроқ

Замира МАТКАРИМОВА:

«АЁЛЛИГИМИЗ УЙДА, ИШХОНАДА ХОДИММИЗ»

— Болалигимда хислатларим ичида курашчанлик туйғуси устунлик қиларди, — дейди Замирахоним, — Уни ҳар доим бус-бутун сақлаш учун курашиб, изланиб яшаш кишини соадатга етаклайди, назаримда. Қийинчиликлар олдида эсанқирашни, таслим бўлишни ёмон кўраман. Чидаган одамгина нимагадир эришади. Булар, айниқса, бизнинг соҳадаги аёллар учун муҳим. Бизасизим, вилоятимизда бешта прокурор аёл бор. Тўрттала ҳамкасбим ҳам ўт, олов, ўз касбининг фидойилари. Бизнинг аёллигимиз уйда, қариндошлар даврасида қолади. Ишхонада эса ходимимиз — прокуроримиз.

Баъзилар прокуратура тизимида ишлаш учун сал қаҳри қаттиқроқ бўлиш керак, деб ҳисоблашади. Бу фикрга қўшилмайман. Негаки, қаҳри қаттиқлик ва қатъият бошқабошқа нарсалар. Биз меҳрибон, аммо қатъиятли бўлишимиз керак,

назаримда.

Замира Маткаримова ҳар бир нарса хусусида ҳолислик билан фикр юритади. Ҳар бир инсоннинг ўз яшаш тамойиллари бўлиши керак, деб ҳисобловчи бу аёл фидойилик, шижоат ва меҳр билан олдига қўйган мақсадлари учун курашади.

— Прокурор ҳар томонлама билимли бўлиши керак. Шундагина у кўриётган иш юзасидан саволларни тўғри қўя билади ва керакли жавобини олишга эришади. Мен ҳузуридаги инсонни, хоҳ у жабрдийда бўлсин, хоҳ жиноятчи, эринмасдан, кунт билан эшитишга ҳаракат қиламан. Унинг ҳақ-ноҳақлигини аввало ўзига тушутирмаман, буни қонуний далиллар ёрдамида исботлаб бераман.

Биласизми, қонун нафақат ҳуқуқшунослар учун, балки ҳамма учун бош мезон бўлиши лозим. Ана шундагина жамиятимиз тараққий

билишни истайман. Тарих илмини аввало ўзим учун ўрганаман. Ўрганганимни ўзгалар билан баҳам кўришни эса бурчим деб биламан. Шу ўринда шоирнинг «тақдирин қўл билан яратур одам» сатрларини эсга олишни истардим. Баъзилар ҳаётдан нолиб юради.

Билишмайдики, инсоннинг имкониятлари чексиз, изланган, интилган инсон кўзлаган мақсадига эришади.

Замира опа касбининг фидойиси бўлиш билан бирга бир оиланинг гулдек бекаси, ўғил-қизларининг сеvimли онажониси ҳамдир. «Масъулиятли касбим яхши она бўлишимга, аёллигим яхши прокурор бўлишимга ҳалақат қилмайди» дейди опа.

Байрам арафасида Замира опани табриқлаб, эзгу ишларига муваффақият тилаймиз.

Б.УЛЛИБОЕВ,
журналист

Гўзаллик ва нафосат байрами — 8 мартнинг баҳорнинг илк кунларида нишонланиши бежиз эмас. Ушбу сўзлар замирида ҳаётга муҳаббат, ишонч ва орзу-умидлар мужассам. Бу сўзларни эса бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

Маълумки, Туронзаминда хотин-қизлар азалдан эъзозланган, уларнинг кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун қўйилган. Ватанимиз мустақиллиги даврида, кон-қонимизга сингиб кетган бу қадриятларимиз янада юксакларга кўтарилди. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларда хотин-қизларнинг ўзига яраша ўрни бор. Улар билан қанча фахрлансак, ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак, шунча оз.

ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛИК — АЁЛЛАРГА ХОС

Ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга яшаш ва ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, умуман, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди, улар бугун ўз самарасини бераёпти. Утган йилларнинг «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили, Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили», жорий йилнинг эса «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз келажиги учун қайғурадиган, Ватан учун муносиб фарзандларни вояга етказишдан иборатдир. Бундай фарзандларни

дунёга келтириш ва тарбиялашда аёлларнинг хизмати бекиёс. Қолаверса, ҳар бир халқнинг маданияти, буюклиги хотин-қизларга бўлган эътибор ва муносабат билан ўлчанади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Аёл — аввало, ҳар бир инсоннинг бешигини тебратган, оқ сут билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдириб, уни ҳаёт бўҳронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир». Мен ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилаётган ана шундай фидойилик тимсоллари бўлган опа-сингилларни баҳор байрами билан чин юракдан табриқлайман.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар
прокурорининг катта ёрдамчиси

«Ота-оналарингизга меҳрибон бўлинглар, шунда фарзандларингиз ҳам сизларга меҳрибон бўлади. Хотинларингизга ифратли (покиза) бўлинглар, шунда хотинларингиз ҳам сизларга ифратли бўлмай».

Ҳадисдан.



Оналар дуоси ижобат бўлмай!

М. ҲАРИМОВ ФОТОСИ

кунларида доимо Сизнинг туғилган кунингизни нишонлар эдик. Сиз бизнинг рўзгордан, болалардан орттириб кўтариб борган арзимас совғаларимизни ҳам гўё оламини кўтариб келганимиздек қабул қилардингиз ва гинахонликка ўтардингиз: «Вой, болам-эй, нима қилардингиз шунча нарсани кўтариб? Менга ўзинг келганинг энг катта совға». Аммо энг катта совға — ўзимизни ҳам Сизга тез-тез олиб боравермасдик. Баъзан иш, баъзан бола, баъзан арзимас сабабларни рўқча қилиб.

Туғилган кунингиз яқинлаша бошлагани сари юрагим ҳаққириб бошлади. Гўё Сиз уйда мени кутаётгандек, гўё кириб борсам яна: «Келдингми, сени энди келмасмикан деб ўтиргандим», — деётгандек тўлдингиз, қанот чиқариб уй сари учиб кетдим. Хонама-хона Сизни ахтарар эканман, аччиқ ҳаққикатни тан олишга мажбур бўлдим. Сизни тополмай бўзлаб юбордим, соғинчдан юрагим тўлиб кетди: Сизни соғиниб кетдим, Аяжон, қандай чидай?

Тингласам, боғларда кўзингиз қўшиғи, Оёғим остида ҳўрсинар ҳазон. Йиғлагим келади, келар ҳўрлигим, Мен сизни соғиниб кетдим, аяжон.

Борсам тополмайман қишлоқ йўлидан, Кўзга суртай десам мен изингизни. Йиғлаб армонларим тўхай дилимдан, Аяжон, соғиниб кетдим мен Сизни.

Киргани юрак йўқ, кирсам йиғлайди Сиз ётган уй бурчи бағримни тилиб. Қандай яшай энди, ҳеч ким билмайди, Аяжон, мен Сизни соғиниб кетдим.

Соғинчимни алдаб, уйқумда кезган Дайди тушларимга тўқийман таъбир. Доим беҳишлардан жой сўраб Сизга Тилаб яшасам-да ўзимга сабр Соғиниб кетаяпман Сизни барибир...

ТУШЛАРИМДА ҚўЛЛАБ ТУРИНГ, ОНАЖОН

Қайта топилмас ҳазинам, Аяжон! Бугун Сизни тушимда кўрдим. Дунёнинг фавгаларидан тўйиб, ёстиққа бошимни босиб, йиғлай-йиғлай ухлаб қолган эдим. Тушимда Сиз астагина юриб қаравотнинг четига ўтирдингиз. Кейин худди тирик вақтингиздагидек кўзларимга тикилиб қарадингиз. Оҳистагина, лекин аниқ қилиб: «Мен энди келдим-ку, болам. Сен қаерга кетасан? Мен энди доимо шу ерда бўламан», дедингиз. Сўнг кўларингиз билан ишора қилдингиз: «Уларми, қўявер, ўзим гаплашаман».

Эрталаб уйғондим, кечаги тушун қайфиятимдан асар ҳам қолмаганини ҳис қилдим. Яхши кайфият билан ишга жўнадим. Чунки доимо ёнимда эканингизни билардим, Аяжон!

Газеталарда шеърларим чиқса ёстигингиз остида сақлаб ўтирдингиз ва мен борсам ўзимга ўқитардингиз. Сўнгра бир нимани ўзингизча маъқуллагандай бош қимирлатиб, уни секингина яна ёстигингиз остига яшириб қўярдингиз. Қайсидир сабаб билан яқинда сандигингизни очган эдик. Қат-қат тахланиб турган рўзномаларни кўрдиму кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Сиз эзиз қилган бу шеърларни ким энди ёстиги остида сақлайди? Сиз доимо тушларимга кириб туринг, тушларимда қўллаб туринг.

Шунда менинг кўнглим тўқ, ишим унумли бўлади, Аяжоним.
Карима АШУРОВА,
журналист

Ривоят қилишлари-ча, Аллоҳ таоло Одам Атога шундай марҳамат қилган: «Сенга аталган барча илтифоту муруватларим заифа бандам бўлмиш Момо Ҳаввода тажассум топғон. Эй, Одам, билгилки, меҳрибон, тақводор рафиқадан яхшироқ илтифоту марҳамат ўлма-гай».

«ХУҚУҚ»ий маслаҳатхона

САВОЛЛАРГА ХУҚУҚШУНОС Д. ХАЛИЛОВ ВА Ч. ШОДМОНОВЛАР ЖАВОБ БERAДИ

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркеклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланиши, лекин узрли сабаблар бўлганда, никоҳга кирувчиларнинг илтимосига кўра никоҳ ёши бир йилга қисқартирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Никоҳ ёши фақат узрли сабаблар бўлганда қисқартириладими ёки томонларнинг илтимоси билан ҳам қисқартирилиши мумкинми?

Шокир Н.,
талаба,
Самарқанд вилояти

Кодекснинг 15-моддасида бу масала узил-кесил ҳал қилинган. Фақат узрли сабаблар бўлгандагина, алоҳида ҳолларда никоҳга кириши хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ ёши туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан кўни билан бир йилга камайирилиши мумкин.

Меҳнат қонунларида кўра, йиллик таътилни энг кўп муддати 48 кундан ошмаслиги керак. Зийтишимча, азар аёл янги туғилган болани фарзандликка олса, бу таътилниг муддати истисно тариқасида кўпроқ берилиши мумкин экан. Унинг анқ муддати борми?

Комила РАҲИМОВА,
Андижон вилояти, Асака шаҳри

Янги туғилган болаларни бевоқиф туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олтмиш календарь кун, икки ёки ундан орттиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун ўтунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланадиган таътил берилади. Шунингдек, уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлганга қадар болани парвариш-лаш учун қўшимча таътиллари берилади. (Меҳнат кодексининг 235-моддаси)

Онам мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб эди. Лекин ўтган йили бўшаб қолган депутатлик ўринларидан бирига депутат этиб сайланди. Депутат бўлиб сайланиши билан ўқитувчиликдан кетишига мажбур бўлди. Мени қизиқтираётгани — депутатлик муддати тугагач, онам аввалги ишига қайтиши мумкинми? Ёки қайтадан ишга кириши керакми?

Мастура ИНОМОВА,
Фаргона вилояти

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, депутатлар ўз воқолатларини, қонда тариқасида, ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширадilar.

Депутатлар депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ озод қилинишига ҳақлидirlar.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексидида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асослари кўзда тутилган (97-модда).

Жумладан, тарафлардан бирининг ташаббуси билан ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Кодекснинг 99-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинаётганда, айрим ҳолларда (ўқув юртимга қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳолларда) иш бевуғчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

«Ҳомилидор аёлларни ва ўн тўртти ёшга тўлмаган боласи (ўн олтми ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилисиз тугуни ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди». (Меҳнат кодексининг 228-моддаси)

Декрет таътилида бўлган вақтда ходимни ишдан бушатиш мумкинми?

А.ЛАТИПОВА,
Фаргона шаҳри

Меҳнат Кодексидида кўзда тутилган умумий қондага кўра (133-модда) барча ходимларнинг меҳнат таътили чоғида уларнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

Аёлларнинг ҳомилидорлик ва туғиш таътиллари ҳамда болани парваришлаш таътиллари даврида ҳам, сўзсиз, иш жойи (лавозими) сақланади. (233-234-моддалар)

Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ ҳомилидор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш бевуғчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиши ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шартли билан бекор қилинади.

Мазкур аёлларни ишга жойлаштириши маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Айни пайтда ҳомилидор бўлганлигим учун декрет таътилига чиқишимга бироз вақт бор. Лекин ишга кирганимга ҳали ўн бир ой тўлагани йўқ. Декрет таътилига чиққангидан кейин олмаган меҳнат таътилим кўйиб кетиши мумкинми?

З.ТОШҲУЖАЕВА,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 143-моддасига мувофиқ ходимга йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олтми ой ишлаганидан кейин берилади.

Кодексда аёллар учун қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Бу аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилаш ҳам тааллуқлидир.

Ҳомилидор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлида ҳомилидорлик ва туғиш таътилидан олдан ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади. (231-модда).



Пойтахтимиздаги олий ўқув юртлири ва бошқа билим даргоҳларида халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги воқолатхонаси ходимлари талабаларга ўларнинг фаолиятлари хусусида гапириб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Суратда: тадбирдан лавҳалар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклига батамом барҳам бериш тўғрисида»ги Декларациянинг 10-моддасида айтилганидек, турмуш қурган аёлларга ижтимоий-иқтисодий фаолият соҳасида эркеклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим. Аёллар:

1. Фуқаролик ҳолатига ёки бошқа белгиларига кўра касбий тайёргарликдан ўтиш, ишлаш, касб ва машғулот турини эркин танлаш, ўз касби ва ихтисоси бўйича малака ошириш ҳуқуқларига;
2. Тенг меҳнат учун эркеклар билан баробар иш ҳақи олиш ва тенг ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига;
3. Ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш, пенсия таъминоти, меҳнат қилиш имконияти ва қобилиятини йўқотганида моддий таъминот олиш ҳуқуқига;
4. Оила учун эркеклар билан тенг ҳуқуқларда нафақа таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўлишлари зарур.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ КАФОЛАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси демократик дунёвий давлат сифатида мазкур Декларацияда ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бошқа халқаро ҳужжатларда эълон қилинган қоидаларни ўз Конституциясида ва бошқа қонунларида белгилаб қўйган. Ва бу ҳуқуқларнинг реал рўёбга чиқарилиши, аёллар ҳуқуқларининг амалда кафолатланиши ҳамда самарали ҳимоя этилиши учун барча зарурий ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий чораларини кўргандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидirlar», деб ёзиб қўйилган. Мазкур конституциявий қондага мос равишда мамлакатимизда аёлларни илм олиш, давлат ва жамият фаолиятида иштирок этиш, ўзлари танлаган соҳада меҳнат қилиш, оила ва турмуш ишларида қатнашишларида ҳар қандай камситиш, бевосита ёки билвосита ҳуқуқларини чеклаб қўйиш мутлақо қонундан ташқари, деб эълон қилинган ва бу ишга кўп урган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб бериши белгилаб қўйилган.

Аёлларнинг табиятан заиф ва ҳимояга муҳтож эканлиги, улар ғоят шарафли ва масъул вазифа — фарзанд кўриш ҳамда тарбиялаш бурчини бажаришлари лозимлиги ҳисобга олингани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида уларни ҳимоялашнинг чоралари назарда тутилган. Бундай махсус чоралар Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини мустаҳкамловчи ва бу ҳуқуқлардан фойдаланиш механизмларини белгилловчи ҳуқуқ соҳасидир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақаларидан бири саналувчи хотин-қизларни бозор иқтисодиёти шароитида муҳофазалашга доир қўшимча чоралар бу қонунчиликда назарда тутилган.

Унда меҳнат қилиш, дам олиш, иш ҳақи олиш, ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш, меҳнатни муҳофазалаш ва бошқа ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида аёлларга эркеклар билан тенг ҳуқуқлар бериш. Бу ҳуқуқлардан амалда тўла ва самарали фойдаланиши учун барча зарур шарт-шароитлар белгиланган.

Меҳнат қилиш соҳасида аёлларга эркеклар билан тенг ҳуқуқлар берилганлиги ва бу ҳуқуқларнинг тўла кафолатланганлиги, хотин-қизлар мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фол иштирок этишлари, жамият тараққийотининг асосий кучларидан бири сифатида фаолият кўрсатишларига имкон беради.

Жумладан, 2000 йилда мамлакатимизда 48100 шифокорлар бўлиб, шулардан 55 фоизини аёллар ташкил этган; ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари, халқ ҳўжалигининг бошқа кўплаб тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг салмоғи анча катта бўлиб, улар мамлакат ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ижтимоий ва меҳнат фаолиятларини оилавий бурчларини бажариш билан муваффақиятли равишда уйғунлаштириб олиб бораётган хотин-қизларимизнинг ҳуқуқларини тарғиб ва ташвиқ қилиш, уларнинг бу ҳуқуқлардан фойдаланишига кўмаклашиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлиги шубҳасиздир.

Ойбек ЭҒАМБЕРДИЕВ,
талаба

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАРСДА МУЗЛИКЛАР МАВЖУД

Америкалик олимлар тарқатган хабарга кўра, сайёра-лараро Mars Odyssey станцияси Марс юзасида катта-катта музликларни аниқлаган. Станция ўтган ҳафтада сайёра сатҳини ўрганиш ва Марс харитасини тузишга киришган эди. Гамма нурулар билан ишловчи спектрометр ёрдамида станция сайёранинг жанубий қутбиди, диаметри 850 км. бўлган ҳудудда, бир неча метр чуқурликда катта миқдордаги водород қатлами борлигини аниқлади. Олимларнинг фикрига кўра, бу ҳақиқатан ҳам Марс сатҳида музликлар борлигидан далолат беради.

ТОЛИБЛАРНИ ҚИДИРИБ...

Қандаҳор яқинидаги Америка ҳарбий базаси кўмондонлиги Пактия вилоятининг маъмурий маркази бўлиш Гардез шахри ҳудудидида террорчиликка қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганини маълум қилди. Матбуот учун масъул бўлган майор Ропернинг сўзларига кўра, операциядан кўзланган мақсад ушбу ҳудудда яширинган «Ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати жангчиларини қидириб топиш ва йўқ қилиш экан. Америкаликлар янги афгон ҳукуматиға бўйсунувчи маҳаллий дала кўмондонлари отрядлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилишади. Шу билан бирга Ропер бир гуруҳ америкалик ҳарбийлар Қандаҳордаги базадан Кобул яқинидаги Баграм аэродромиға кўчирилганлиги ҳақидаги хабарни изоҳлашдан бош тортиди.

ҚАССОБГА... МОЙ ҚАЙҒУСИ

Мўғулистонда саккиз яшар болакай ҳушёрхонанинг энг ёш «мижози» бўлди. Саккиз яшар «майхўр»нинг тушунтиришича, у шахар бозоридан ароқ сотиб олган, ичган ва бошқа ҳеч нарсани эслай олмайди. Кейинги йилларда ёшларнинг спиртли ичимликларға қизиқиши мисли кўрилмаган даражада ошиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотиға кўра, йил бошидан бери Мўғулистон пойтахтининг биргина туманида ҳушёрхоналарға кучли даражада маст бўлган 8-17 ёшлардаги 11 нафар «майхўр» келтирилган. Полициячиларнинг фикрича, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги ичкиликбозлик мамлакатдаги криминоген вазиятнинг чигаллашувига сабаб бўлмоқда. Вояға етмаганлар содир этётган жиноятларнинг аксарияти айнан ичкиликбозлик таъсирида юз бераёпти.

ҚИСҚАЧА

АҚШнинг Кубадаги «Гуантанамо» ҳарбий базасида сақланаётган асирларнинг ҳар биридан ДНК намуналари олинади. Кўмондонликнинг фикрича, бу асирларнинг шахсини аниқлашда қўл келиб, уларнинг ўзлари ҳақида билдираётган маълумотларини текшириш имконини беради. Ҳозир асирлар терговни чалғитишға уриниб, ҳар кунги ҳар хил кўрсатмалар беришмоқда.

Hubble космик телескопини замонавийлаштириш учун америкалик икки астронавт «Колумбия» космик кемасидан очик фазоға чиқишди. Бир неча соат давомида астронавтар Жон Грансфелд ва Рик Линнехан телескопға янги, янада самарали қуёш батареяларини ўрнатишди.

МУТАХАССИСМИСИЗ, МАРҲАМАТ...

Германия бундестаги (парламенти) иммиграцияни мувофиқлаштирувчи қонун қабул қилди. Моҳиятан қонун мамлакатға кириб келувчи чет элликлар оқимини тартибға солиш ва чеклашға қаратилган. Шу билан бирга қонун биринчи марта муҳожирларнинг муайян қатлами — юқори малакали мутахассисларға мамлакат чегараларини «очиб беради». Март ойи охирида мазкур қонун амалға татбиқ этиш учун ҳудудлар палатаси — бундесратға тақдим этилади.

ОЛОМОНГА ЎҚ ОТИЛДИ

Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турган Ҳиндистоннинг Гужарат штатида полиция оломонни тарқатиш учун ўқотар қуролдан фойдаланди. Оломон Аҳмадобод шаҳри яқинидаги икки биноға ўт кўйишға урингани туфайли ҳарбийлар ўт очишға мажбур бўлди, дея вазиятни изоҳлаган Ҳиндистон полицияси вакили. Натижада икки киши ҳалок бўлган. Айни кунгача тўқнашувларда қурбон бўлганларнинг умумий сони 500 кишидан ошиб кетди.



Тайланд. Сайёҳлик масканларидан бири.

МУҲОЖИРЛАР ТАЛАБИ

Лондонда зимбабвеллик муҳожирларнинг намоийшлари бўлиб ўтмоқда. Улар Англия пойтахтидаги Зимбабве ваколатхонаси биноси ёнида ўқлашиб, халқаро ташкилотлардан мамлакатдаги бўлажак президент сайловлари одилона ўтказилишини назорат қилишни сўрашаёпти. Намойишчилардан айримлари 36 соатлик очлик эълон қилишган. Бу билан улар халқаро жамоатчиликнинг эътиборини Зимбабве ҳукуматининг эъраволиги ва бошбошдоқлигиға қаратмоқчи бўлишмоқда.

ВИЗА УМИДИДА

Куба полицияси Гаванадаги Мексика элчихонаси ҳудудидан 21 нафар кубаликларни ҳайдаб чиқарди. Элчихона вакилининг сўзларига кўра, кубаликлар Мексика визасини олиш умидида ҳудудға махсус руҳсатномасиз кириб келганлар. Ҳайдалганлардан ҳеч ким жабрланмаган.

ТАЛАБ ҚАТҒИЙ

Ўтган жума куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мари Робинсон хоним Қоҳирада нутқ сўзлар экан, Исроил қўшинларининг Женин ва Наблусдаги (Фаластин) қочқоқлар лагерларига уюштирилган босқинчиликларни қаттиқ қоралади. «Мен, Кофи Аннан каби, Исроилдан ўз қўшинларини қочқоқлар лагерларидан зудлик билан олиб чиқиб кетишни ҳамда бундан кейин гуманитар объектларнинг дахлсизлигиға қатъий риоя қилишни талаб қиламан», — деди Робинсон хоним.

«ОММАВИЙ ҚАБР» ТОПИЛДИ

«Чеченистоннинг Аргун районида 20 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари дафн этилган оммавий қабр топилди», дея хабар тарқатди «Эхо Москвы» радиостанцияси. Маҳаллий аҳоли томонидан силос ғарами тағидан топилган жасадлар улар эъраволилик билан ўлдирилганидан далолат беради. Ҳозиргача уч жасад таниб олинди. Қабр топилган жой рус ҳарбийлари назоратиға олинган.

АХБОРОТ ТАСДИҚЛАНМАДИ


Жанубий Сахалин шаҳридан Москваға парвоз этган ИЛ-96 йўловчи самолёти кайтадан шаҳар аэропортиға кўнишға мажбур бўлди: экипаж самолёт миналаштирилган бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирилган эди. 194 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари хатарсиз жойға кўчирилиб, самолёт мутахассислар томонидан кўздан кечирилганда ахборот тасдиқланмади.

ЭСКИ ҲАМКОРЛАР

Аниқ далиллар бўлган тақдирда Буюк Британия АҚШнинг Ироққа қарши ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Буюк Британия мудофаа вазири Жеффри Хуннинг таъкидлашча, ҳали Вашингтон ҳам, Лондон ҳам терроризмға қарши курашнинг иккинчи босқичи ҳақида бир қарорға келгани йўқ, бироқ Ироқ оммавий қиргин қуроллари масаласида БМТ резолюциясиға риоя қилиши зарур. — Ироқ ўз ҳудудига БМТ қузатувчиларини киритишға розилик билдирса, унга қарши уруш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — деди мудофаа вазири.

СЕНАТОРНИНГ АЯНЧЛИ ТАҚДИРИ

Шанба куни Колумбия пойтахти Боготадан 40 км. узоқликда сенатор Марта Даниэльс, унинг танқуриқчиси ва дугониси ўлдириб кетилган. Ҳукуматдагилар мазкур ҳунрезликда «Колумбия инқилобий қуролли кучлари» исбёни ташкилотининг қўли бор, деган фикрда. Ҳозирча ҳеч ким қотиллик учун жавобгарликни зиммасиға олгани йўқ. Аниқланишича, қотиллар ҳар бир қурбонининг бошиға икки мартадан ўқ узишган.



Москвадаги «Межрегионгаз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти филиалидан куппа-қундузи узунлиги тахминан 1,2 метр бўлган тимсоҳни ўғирлаб кетишди. Компания вакиллари қўрилган зарарни 45 миң рубль деб баҳолашларига қараганда, тимсоҳ кимға ва нима учун керак бўлиб қолганлигини тахмин қилиш мумкин. Янаям, ким билади...

ЖАМОАТЧИЛИК ЖУНБУШГА КЕЛДИ

Ўтган жума куни Янги Зеландияда можаро келиб чиқди: мамлакат пойтахти Окленддаги касалхоналардан бирида 1300 га яқин болалар органи (уларнинг аксарияти юрак) консерваланган ҳолда сақланаётгани жамоатчиликка маълум бўлиб қолди. Болалар органлари таҳсил давомида бўлгуси шифокорлар намоийш қилиш учун сақланган. Можародан сўнг, касалхона раҳбарияти, агар хоҳлашса, органлар болаларнинг ота-оналарига берилишини маълум қилди.

СОҲТА ҲУЖЖАТ ТАЙЁРЛАБ БЕРГАН

Жума куни Бельгия полицияси томонидан Афғонистондаги Шимолий иттифок кучлари раҳбари Аҳмадшоҳ Маъсудға қилинган суиқасдда алоқадор дея гумон қилинаётган Аморбин Муҳаммад Слетий ҳибсоға олинди. Слетий — келиб чиқиши тунислик бўлган Бельгия фуқаросидир. Слетий Маъсуднинг қотилларига қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб берганлигида айбланыпти.

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ

Афғонистон пойтахти Кобулда юз берган зилзида оқибатида камиди 10 киши ҳалок бўлиб, 30 га яқин киши жароҳатланган. 90 секунд давом этган зилзиладан 30 та уй вайронаға айланди. Тебраниш кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балға этган. Зилзила маркази Покистон-Афғонистон чегарасидаги Ҳиндикуш тоғларидадир. Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон ҳудудларида ҳам мазкур зилзила қайд қилинган.

ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.
Алишер Навоий


Бир кўрдим мен уни шунчалар гўзал!
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
Чўлпон

Мухаббат муҳаббатдан тугилади.
Софокл,
кадимги грек драматурги

«Хар бир зот онасига муруват кўрсатиб, эҳтиромли бўлиши зарур, зеро она Худо марҳаматидан бахдордир».

Аёл Аллох нури, оддий жоннамас,
Яратур, яраган ошuftа жоннамас.
Жалолиддин Румий,
Шарқ мутафаккири

Аёлларга зулм ўтказма,
бўлма тошбағир,
Улар қийишқ қовурадан
яраган ахир.
Нетсин, Аллох яратибди
уларни шундоқ,
Синиб қолар, тўғрилашга
уринганинг чоқ.
Ўз ҳолига кўйсанг баттар
қийишайди ул,
Одам ўғли, ўзинг талла,
қай бири маъкул.
Муруват қил, сенга қариш
қилсалар-да жанг,
Яхши эмас синиб қолса
битта қовурганг.
Йоханн Вольфганг Гёте,
немис шоири



ЭНИГА: 1. «Карлсон ва миттвой» асарининг муаллифи. 4. Геометрик фигура. 7. Частота бирлиги. 8. Тинч океани соҳилларида бўлиб турадиган кучли шамол. 9. Эстрада гуруҳи. 10. АҚШ президентларидан бири. 14. Бир кишининг ўзгаларга қарата сўзлаган нутқи. 17. Безак. 18. Игнабаргли дарахт. 19. Франция футбол жамоаси. 21. Сўз ичидаги товушларнинг ўрин алмашинуви. 23. Физика фанининг бўлими. 27. «Уч илдиш» асари қаҳрамонларидан бири. 28. Икки тоғ орасидаги жарлик. 29. Сиёсий аҳамиятга эга бўлган шартнома. 32. Қоришқ товуш. 34. «Шайтанат» романидаги образ. 36. Машҳур вулкон. 38. Суварлар оиласига мансуб мўйнали хайвон. 40. Балиқ уруғи. 41. Энг катта кўл. 43. Зидлов боғловчиси. 44. Энг серсув дарё. 47. Угандадаги кўл. 50. Равиш тури. 51. Милан жамоасида ўйнаган бразилиялик дарвозабон. 52. «Қирол ...» (В.Шекспир). 53. Фам, қайғу. 55. Сўзсиз роль иккю этувчи актёр. 56. Саккиз ёқли геометрик жисм. 59. Кимёвий реакцияни тезлаштирувчи катализатор. 65. Эркаклар исми. 66. Парранда. 67.Тоқат, матонат. 68. Шимолий Америкадаги энг баланд тоғ. 69. Ураннынг парчаланишидан ҳосил бўладиган радиактив элемент.

БҮЙИГА: 1. Домий яшил дарахт. 2. Канақунжудта бўладиган захарли модда. 3. Товарнинг соф огирлиги. 4. Деворга ўрнатиш учун тайёрланган катта сурат. 5. Асосий мавзу кўп марта қайтариладиган мусиқий асар. 6. Вокал асар. 7. Физик олим. 11. Ўзидан ўтадиган нурнинг йўналишини ўзгарирувчи шаффоф шиша. 12. Қолдиқ жисм. 13. Мева. 14. Жаҳон (русча) 15. Азиз немат. 16. Кимёвий элемент. 20. Қўрчак ўсимтасининг яллиғлиғи. 21. Ҳашорат. 22. Кимёвий элемент. 23. Сайёра. 24. Қир... 25. II-жаҳон уруши даврида Германия томонидан СССРни босиб олиш учун ишлаб чиқилган режа. 26. Епишқоқ модда. 30. Шерий вазн. 31. Якин қариндош. 33. Зараркунанда. 35. Кўрсатиш олмоши. 36. Уй, хаёл. 37. Хорижий гуруҳ. 38. Ўт, аланга. 39. Харбий хизматчилар бажарадиган вазифа. 42. Харита. 45. Очликка чидамли қонхўр қувалчанг. 46. Бир ўрқачли туя. 48. От сўз туркумининг сўроғи. 49. Фалак, само. 53. Бўйрўк. 54. Афсона. 56. Амударёнинг қадимги номи. 57. Қизлар исми. 58. Танбех. 60. Кема қисми. 61. Рангли металл. 62. Италиядаги шаҳар. 63. Истибод. 64. Услимки.

Тузувчи: Назиржон БАХТИЁР ўғли

ТУРФА ОЛАМ ТУРФА ОДАМЛАР

«БАНДИ» БОЛАКАЙЛАР

Буюк Британия полицияси мамлакатда ўсиб кетаётган вояга етмаганлар ўртасидаги рецидив жиноятларнинг олдини олиш чорасини топгандай бўлди. Гап шундаки, тарбияси оғир ва жиноят содир этган ўспиринлар билагига электрон датчик тақиб юришга мажбур бўлишар экан. Полициянинг фикрича, мамлакат Ички ишлар вазирлигининг сайё-ҳаракати билан бошланаётган бу тадбир куча безориликлари, талончилик жиноятларининг камайишига олиб келади.

Бу чора 12 дан 16 ёшгача жиноят содир этиб гаров эвазига судгача озод юрган ўспиринларга нисбатан қўлланилиши кўзда тутилган. Электрон датчик билан «кишанланган» ўспиринларнинг юриш-туришини назорат қилиш бир мунча қулайликларга эга деб ҳисоблашмоқда мутахассислар.

«Кишанлаш» режаси вояга етмаганлар ўртасида такрорий жиноят содир этилишининг олдини олиш билан бирга вояга етмаганлар билан ишловчи марказлар фаолиятини мувофиқлаштириши ва энгиллаштириши кутилмоқда.

Мазкур усулни апрель ойидан бошлаб мамлакатнинг 6 та райониде амалиётга таъбиқ қилиш режалаштирилган. Июнь ойидан бошлаб эса Англия ва Уэльсининг барча ҳудудларида жорий этилади. Ҳозирча, тажрибанинг биринчи йилида электрон датчикли «билангузук» билан 1800 ўспирин «мукофотланиши» режалаштирилган, умуман олганда, бундай қурилмалар 6 минг нафар ўсмир учун керак бўлади.

Яна бир гап. Вояга етмаган жиноятчиларни электрон датчиклар билан «кишанлаш» 1989 йилда ҳам синиб кўрилган эди. Ушунда 50 ўспириндан 34 нафари такрорий жиноят содир этган ёки яширишига муваффақ бўлган. 2 нафари ҳатто қотилликка қўл уришга ҳам улгурган. Ушундан бунён бу усулга қайта мурожаат қилинмаган эди.

МУТОЙИБА

— Оилавий ҳаёт ҳақида бир қанча мақолалар босиб чиқармоқчимиз, — деди Бош муҳаррир мени ўз хузурига чақириб, — иложи бўлса, эр-хотин ўртасидаги салбий муносабатлар, оилавий жанжаллар тўғрисида биронта ҳажвий нарсa ёзиб келинг.

Мен бир аёл тўғрисида, унинг эрига совуқ муносабатда бўлиши, ноҳўя қилмишлари тўғрисида ҳажвия ёзиб ташладим. Бир хафтадан кейин ҳикоям газетда босилиб чиқди. Ке-чкурун уйга қайтганимда, хотиним мени газабли қиёфада қарши олди. Унинг кўриниши «энди отиламан» деб тутун буржиратиб турган ВезувиЙ вулкони эсларди. Бир неча лаҳзадан сўнг ерлар титраб, аланга осмонга сапчиди.

Хотиним қўлидаги газетани бурним тагида уйната бўлади.
— Шунчами ҳали?! — кичқирди у, — демак, журналистлар ёзишга бирор баҳона топиш учун уйланишар экан-да. Раҳмат, мингдан-миг раҳмат.

Мен ҳайратда эдим.
— Нима гап ўзи, жонгинам?
— Жонгинамга бало борми? Йигирма минг нусхага газетда мени қоралаб мақола ёзасану, яна «жонгинам» деганингга ўлайми. Дунёда яхши эркаклар сон-саноксиз-ку, нега сен мени шу рўдало журналистга рўбарў қилдинг, худойим!
Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Жонжон дўстим Никунинг хотини Анжела экан.
— Салом, Анжела, ахволларинг яхшими?
— Энди бизниқида қорангни кўрмайин! — чийиллаган овоз эшитилди трубкадан, — кўрган заҳотим ўша мақола ёзадиган қўла-

деганлари рост экан.
Кишининг бошига кулфат тушганда доимо онасидан ёрдан кутади. Шу сабабданмикан, қандай қилиб онаминг уйига кириб борганинми сезмай қолдим.
— Онажон! — дедим мен ва

ХАВФЛИ КАСБ

рингни кесиб оламан. Бизнинг оиламиз тўғрисида мақола ёзишга сенга ким ҳуқуқ берди? Никунинг шимларини ўзи дазмоллашини, тугмаларини ўзи қадаб олишини ёзмасанг, бирор жойинг камайиб қолармиди? Ахир мен ҳам янги тушган пайтимда унинг шимини икки марта дазмоллаб берганман-ку!

Трубка тақ этиб қўйилди. Нима қилиш керак? Тезгина пальтомни қийиб дўстим Андениқига йўл олдим, ҳар ҳолда у менга бирор маслаҳат берар ахир. Андре уйда экан.

— Қулоқ сол, Андре, — дедим мен унга, — жуда қизиқ бир ахволга тушиб қолдим.
— Келганинг яхши бўлди, — гапимни бўлиб деди Андре, — ўзим ҳозиргина сениқига бормоқчи бўлиб турганим.
Унинг кўзларида газаб акс этарди.

— Хотиним ҳар кунни тирноқ остидан кир ахтариб, жанжал қилишини айтганимда, сен бу гапларини оламага дoston қилишингни билмаган эканман. Ўзимнинг дўстим-ку, эркакчасида гаплашяпмиз, деб ўйлагандим. «Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга»

Немис тилидан
Йўлдош ПАРДА таржимаси

КРИМИНАЛ

ЎҒРИТУТАР ТЕЛЕФОН

Ҳадемай шундай уйқўриқчилар пайдо бўладики, унинг шарофати билан сиз хонадонингиз, шахсий мол-мулк-нигини ўғри уриб кетиши мумкинлиги ҳақидаги домийи хавотирдан холи бўласиз. Бу ҳақда хабар тарқатган ВВС маълумотига ишонадиган бўлсак, компьютер ва видеокамерага боғланган кўриқлаш сигнализацияси «ўғригина» меҳмонлар ҳақида тўппа-тўғри қўлингиздаги телефонга «шипшитида».

Жараён қуйидагича юз беради: камера тасвирга олади, компьютер эса автоматик тарзда маълумотни интернет тармоғига узатади. Ва бир неча сония ичида хонадонингизда нималар содир бўлаётгани сизга ҳам аён бўлади.

Мабодо қонун посбонлари ўғрини тутишга улгуролмай қолган тақдирда ҳам сизнинг компьютерингиздаги дискда унинг «ранги-рўйи» муҳрланиб қолади. Ва судловда бундан ортиқ далилга ҳожат ҳам йўқ. Учинчи авлод уяли телефонларига мансуб бу тизим ҳозирча фақат Япония ва Монакода қўлланилмоқда.

Номуқаммал сигнализацияларнинг ёлғондакам чақирқларидан зада бўлган гарб мамлакатлари полицияси бу тизимни ҳам навбатдаги бошогриқлардан деб ҳисоблаётганларини яширишмапти.



АНА ХОЛОС

«МУШТИПАР» ТАЛОНЧИ

Краснодар ўлкасининг Дудинка деган жойида гайриоддий жиноят содир этилган. Унинг гайриоддийлиги шундаки, маҳаллий бардан ширақайф бўлиб чиққан бир жувон икки нафар эркакни ўласи қилиб дўппослаган, буюм етмагандек, уларнинг чўнтагидаги бор пулини «қоқиб» олган.
«Муштипар»дан жабр чеккан икки «мужик» уятни ҳам йиғиштириб, милицияга мурожаат қилишдан бошқа чора топишолмаган. Ахир замона зайли билан шу қўйга тушган шўрлик икки эркак нақд 20 минг рублдан ажралган эдилар-да.
Мазкур иш юзасидан жиноят иши очилиб, тергов ишлари бошлаб юборилди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси бошқарма катта терговчиси Қалқон Жўраевга онаси

Ойпарча УМБАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия ихпор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси собиқ прокуратура ходими

Изабтулла АНОРБОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумининг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.